

AGR

IQTISODIYOT

ilmiy-amaliy agroiqtisodiy jurnal



ISCAD

The International Strategic Center
for Agri-Food Development

2/2024

Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиқтисодий журнал

МУНДАРИЖА

3. **Sh.AKRAMOV.** Issiqxonada sabzavot mahsulotlari yetishtirish bo'yicha Ozarboyjon tajribasi va ulardan foydalanish imkoniyatlari
6. **М.ТУЛАХОДЖАЕВА, М.ХОДЖАЕВА.** Организационные основы аудита и финансового мониторинга экономической безопасности в сфере противодействия легализации преступных доходов и финансирования терроризма в Узбекистане
9. **У.ХАЛИКОВ.** Фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг хорижий давлатлар тажрибалари
12. **A.ESHONQULOV.** Konsolidatsiyalashgan moliyaviy hisobotni milliy standartdan xalqaro standartga transformatsiya jarayoni
17. **A.SHAMSHETOV.** Moliyaviy natijalarni auditdan o'tkazishning metodik jihatlari
21. **A.ШОМИРОВ.** Тенденции развития международного рынка ценных бумаг в современной нестабильной ситуации
24. **A.АБДУЛЛОЕВ, С.ХАСАНОВА.** Ишлаб чиқариш корхоналари бошқаруви иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг муқобил сценариялари
29. **B.SHAFKAROV, M.SAIDMURODOVA.** Yuqori qo'shilgan qiymatga ega qishloq xo'jaligi mahsulotlari ishlab chiqarish samaradorligini oshirish
32. **М.АБДУРАИМОВА.** Аудиторлик текширувлари жараёнида суғурта ташкилотларида суғурта фирибгарлигига мойиллик борлигини аниқлаш методологияси
35. **С.БУРХАНОВ.** Банк молиявий активлари-иқтисодиётнинг томири сифатида
40. **T.RAHMATOV.** O'zbekistonda zamonaviy bank xizmatlari holati va uning tahlili
45. **Х.АКБАРОВ.** Хуфиёна иқтисодиётни легаллаштиришда валюта операцияларининг ролини ошириш
49. **A.ГАФУРОВА.** Прибыльность хозяйствующих субъектов и изучение элементов, влияющих на прибыль
52. **B.SHAFKAROV, O.URAZMATOV.** Dukkakli don mahsulotlari yetishtirish samaradorligini oshirish yo'llari
55. **M.ISMAILOVA.** Moliyaviy holatni baholash usullarining tahlili
58. **B.AYTIMBETOVA.** Asalarichilikdakooperatsiya munosabatlarini rivojlantirishning ob'yektiv zaruriyati va o'ziga xos xususiyatlari
61. **M.SAXIBJONOV.** Tijorat banklarining kichik biznes sub'yektlarini kreditlash amaliyotini takomillashtirish yo'llari
65. **С.ХАСАНОВА.** Ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувини ташкил этиш усуллари
68. **A.VALIYEVA.** Marketing tadqiqotlari usullari va amalga oshirish bosqichlari
70. **М.МИРЗАЖОНОВА.** Тижорат банклари брендинг стратегиясидан фойдаланишда кредитларининг ролини ошириш механизмлари
73. **Б.ЖУБАНОВА.** Тадбиркорлик субъектларини инвестициялаш фаолиятини молиялаштириш йўллари
76. **И.ЖУМАНИЯЗОВ.** Тижорат банклари кредит операцияларида гаров таъминотини такомиллаштириш йўллари
79. **Б.ЗАЙНУТДИНОВ.** Мамлакатнинг инвестицион лойиҳаларини ривожлантиришда тижорат банкларининг роли
81. **F.PIRMATOVA.** O'zbekistonda to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish mexanizmini takomillashtirish
85. **М.МАШАРИПОВ.** Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фойдасини шакллантириш ва кўпайтириш масалалари
90. **I.XASANOV.** Qishloq xo'jaligi tarmog'ida ilmiy ta'minot tizimining amal qilishi va uni moliyalashtirish xususiyatlari
93. **Ш.ТУРСУНОВ.** Хўжалик юритувчи субъектларда бизнес-жараёнлар ички аудитини ўтказиш босқичлари
96. **A.БУРХОНОВ.** Ўзбекистон банклари тизимида муаммоли кредитлар ва банк кредит рискларини бошқариш масалалари

Agroiqtisodiyot

илмий - амалий агроиқтисодий журнал

2 (33), 2024

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Алишер ШУКУРОВ
Акмал ҚОСИМОВ
Шохрух АКРАМОВ
Исроилжон ХОЛМИРЗАЕВ
Тулкин ФАРМАНОВ
Саидасрор ҒУЛОМОВ
Норқул ХУШМАТОВ
Ражаббой ДУСМУРАТОВ
Фотима НАЗАРОВА
Ирода РУСТАМОВА
Яшнаржон АЛИЕВ
Абдуҳолиқ МУХТОРОВ
Муҳаммаджон ҚОСИМОВ
Назимжон АСКАРОВ
Аслиддин АБДУЛЛОЕВ
Акмал НОРОВ
Бахтиёр МЕНГЛИКУЛОВ
Дилшод ЯНГИБОЕВ
Абдурауф ОБЛОҚУЛОВ
Улугбек САДУЛЛАЕВ

МУАССИС:

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик
ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази (ISCAD)

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 10 мартда
0909-рақам билан рўйхатга олинган.

Журнал 2017 йил июндан чиқа бошлаган.

Бир йилда 4 мартда чоп этилади.

© Agroiqtisodiyot, 2024



ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ БОШҚАРУВИ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИ- РИШНИНГ МУҚОБИЛ СЦЕНАРИЯЛАРИ

Аслиддин АБДУЛЛОЕВ,

Бухоро давлат унверситети «Иқтисодиёт»
кафедраси мудир и.ф.д., профессор

Ситора ХАСАНОВА,

Бухоро давлат унверситети мутақил тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада ишлаб чиқариш корхоналари бошқаруви иқтисодий механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Аннотация. В статье разработано научное предложение и практические рекомендации, направленные на совершенствование экономического механизма управления производственными предприятиями.

Abstract. The article develops a scientific proposal and practical recommendations aimed at improving the economic mechanism of management of industrial enterprises.

Янги Ўзбекистон шароитида мамлакатда ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш асосида улар бошқарувининг иқтисодий механизми самарадорлигини оширишга қаратилган ислохотлар изчил амалга оширилиб келинмоқда. Шунингдек, мамлакатда амал қилаётган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида “саноатда қўшилган қиймат ҳажмини 45 миллиард долларга етказиш ва 2,5 миллион-та юқори даромадли иш ўринларини яратиш, умумий қиймати 150 миллиард долларлик 500 дан зиёд стратегик аҳамиятига эга бўлган технологик ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш, барча иқтисодий ва саноат зоналарида зарур инфратузилмадан (йўл, электр энергияси, сув ва оқова тизими) узлуксиз фойдаланиш имкониятларини яратиш” [1] каби устувор вазифаларнинг белгиланганлиги мазкур йўналишдаги ислохотлар кейинги йилларда ҳам давом эттирилишидан далолат беради.

Шунингдек, сўнгги йилларда иқтисодий адабиётда И. Вовк [2], К. Эиснер [3], О. Мунро [4], Р. ван-Эчтелт [5] каби етакчи хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотларда корхона бошқарувининг иқтисодий механизмини такомиллаштирилиши натижсида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ортиши борасидаги илмий хулосалар шаклланган. Жумладан, хўжалик фаолияти таҳлил этилган “Sammir Tekst” МЧЖ, “Shaxboz Carpet Tekstil” МЧЖ, “Ozod Buxoro Tekstil”

МЧЖ, “Fir-Shax Parranda” МЧЖ, “Naqshband Buxoro Tekstil” МЧЖ ва “Vixaratekst” МЧЖ каби маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувининг иқтисодий механизми такомиллашувида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ортиши тенденцияси аниқланган.

Юқорида келтирилган фикрларга асосланган ҳолда кейинги йилларда мамлакатда ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича муқобил сценарияларни ишлаб чиқишда мамлакатда аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми билан ишлаб чиқариш саноатида бандлар сони ҳамда соҳада фаолият юритаётган жами корхона ва ташкилотлар сони ўртасидаги кўп омилли регрессион-корреляцион таҳлилни амалга ошириш лозим топдик. Бунда дастлаб таҳлилни малга ошириш учун зарур бўлган статистик кўрсаткичлар жамлаб олинishi керак бўлади. Қуйида келтирилган 1-жадвалда шакллантирилган гипотезага мувофиқ, таҳлилни амалга ошириш учун керак бўладиган статистик маълумотлар келтириб ўтилди.

Иқтисодий-математик усуллар асосида муқобил сценарияларни ишлаб чиқишда дастлаб кўп омилли регрессив моделни тузиб олиш керак бўлади. Бунда қуйида келтирилган кўп омилли регрессия функцияси (1.1) нинг қийматларини аниқлаш керак бўлади:

$$y = b_0 + b_1 x_1 + b_2 x_2 \quad (1.1)$$

Юқорида келтириб ўтилган кўп омилли регрессия функциясидаги “ $b_0; b_1; b_2; b_3$ ”ларнинг

Калит сўзлар: минтақавий, саноат, ишлаб чиқаришини, ихтисослаштириш жараёнлари, самарадорлик, регрессион-корреляцион.

қийматларини аниқлашда энг кичик квадратлар усулидан фойдаланиб, мустақил ўзгарувчилар (x_i) нинг вектор коэффицентларини аниқлаш керак бўлади. Бунда қуйидаги (1.2) формуладан фойдаланилади:

$$s = (X^T X)^{-1} X^T Y \quad (1.2)$$

Энг кичик квадратлар усулида мустақил ўзгарувчилар (x_i) нинг вектор коэффицентларини аниқлашда натижавий омил (y), мустақил ўзгарувчилари (x_i) нинг ва юқори келтирилган вектор коэффицент қийматларини аниқлаш формуласи (1.2) даги “ X ” қийматлари матрицалари мос равишда тузиб олинди. Тузилган матрицалар асосида “ $X^T X$ ” билан “ $X^T Y$ ” қийматлари ҳисобланиб, улар на

1-жадвал

Мамлакатда минтақавий саноат ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш жараёнлари самарадорлигини регрессион-корреляцион таҳлили жадвали [1]

Йил-лар (t)	Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми, млн сўмда (y)	Ишлаб чиқариш саноатида бандлар сони, млн кишида (x_1)	Ишлаб чиқариш саноатида фаолият юритаётган корхоналар сони, минг бирликда (x_2)
2010 й	1,3	1,3	32,1
2011 й	1,6	1,4	32,6
2012 й	1,9	1,4	33,5
2013 й	2,3	1,4	34,3

$$(X^T X)^{-1} = \begin{bmatrix} 25,9794 & -18,9084 & 0,05364 \\ -18,9084 & 14,0273 & -0,04593 \\ 0,05364 & -0,04593 & 0,000313 \end{bmatrix}$$

2014 й	2,7	1,5	34,7
2015 й	3,1	1,5	37,3
2016 й	3,5	1,5	39,3
2017 й	4,6	1,6	40,9
2018 й.	7,1	1,6	46,4
2019 й	9,6	1,6	53,7
2020 й	10,8	1,6	66,7
2021 й	13,1	1,6	79,2
2022 й	15,5	1,6	86,6
2023 й	18,1	1,6	93,8

тижалари ўтилди. Кейинги босқичда матрица асосида $(X^T X)^{-1}$ қиймати қуйидаги тартибда ҳисобланади:

Олинган натижалар асосида энг кичик квадратлар усулида кўп омили регрессион моделнинг вектор коэффицентлари қуйидаги ҳисоб китоб асосида аниқланади:

$$Y(X) = \begin{bmatrix} 25,9794 & -18,9084 & 0,05364 \\ -18,9084 & 14,0273 & -0,04593 \\ 0,05364 & -0,04593 & 0,000313 \end{bmatrix} * \begin{bmatrix} 95,2 \\ 149,84 \\ 6414,36 \end{bmatrix} = \begin{bmatrix} -15,9017 \\ 7,155 \\ 0,2336 \end{bmatrix}$$

Энг кичик квадратлар усулида амалга оширилган ҳисоб-китоблар натижалари асосида кўп омили регрессив моделни қуйидаги кўринишга эга эканлиги аниқланди:

$$y = -15,9017 + 7,155x_1 + 0,2336x_2$$

Тузилган кўп омили регрессия модели асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- мамлакатда ҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми гипотезага мувофиқ танланган мустақил ўзгарувчилар, яъни, ишлаб чиқариш саноатида банд бўлган аҳоли ва соҳада фаолият юритаётган корхона ташкилотлар сонининг ривожланиш тенденциялари инobatга олинмаган ҳолда, манфий ўсиш векторига эга бўлган ҳолда, унинг қиймати -15,9 га тенг эканлиги аниқланди;
- ишлаб чиқариш саноатида бандлар сони ортиб бориши натижасида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг қўшимча ўсиш вектори 7,2 га тенг бўлганлиги аниқланди;
- ишлаб чиқариш саноатида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони қўшимча бир бирликка ортганда, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажмининг қўшимча ўсиш вектори қиймати 0,2 га тенг бўлганлиги аниқланди;
- ўтказилган кўп омили регрессион таҳлилнинг умумий натижаларига кўра, ишлаб чиқариш саноатида бандлар сонининг ўсиш тенденцияси нисбатан паст бўлганлиги ва айнан ушбу омил ҳисобига мамлакатда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажмининг қўшимча ўсиш вектори юқори бўлганлиги корхоналар бошқарувининг иқтисодий механизмини такомиллашуви жараёнлари ҳисобига меҳнат унумдорлиги ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Тузилган кўп омили регрессив модел асосида олинган хулосаларни кўп омили корреляцион таҳлил асосида янада мустаҳкамлаймиз. Корреляцион таҳлилни амалга ошириш орқали шакллантирилган гипотезага мувофиқ

натижавий кўрсаткич (у) билан мутақил ўзгарувчилар (x_1) ва уларнинг ҳар бири ўртасидаги ички боғлиқликни аниқлашга эришилади ва у қуйидаги (1.3) формула асосида ҳисобланади:

$$r_{xy} = \frac{\bar{x} \cdot \bar{y} - \bar{x} \cdot \bar{y}}{s(x) \cdot s(y)} \quad (1.3)$$

Юқорида келтириб ўтилган корреляция коэффицентини аниқлаш формуласи (1.3) асосида натижавий кўрсаткич (у) билан мутақил ўзгарувчилар (x_1) ўртасидаги ички боғлиқлик даражасини ҳисоблаб чиқамиз.

$$r_{yx1} = \frac{10.703 - 1.514 \cdot 6.8}{0.099 \cdot 5.443} = 0.753$$

Биринчи, мамлакатда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми билан (у) соҳада банд бўлган аҳоли сони (x_1) ўртасидаги ички боғлиқлик:

$$r_{yx2} = \frac{458.169 - 50.793 \cdot 6.8}{20.945 \cdot 5.443} = 0.989$$

Ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми билан (у) соҳада фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони (x_2) ўртасидаги ички боғлиқлик даражаси аввалги, яъни, ишлаб чиқариш санотида банд бўлган аҳоли сони (x_1) билан боғлиқлик даражасига нисбатан ҳам кучли эканлиги аниқланди. Чедок шкаласига кўра, ушбу кўрсаткичлар ўртасидаги ички боғлиқлик сезиларли даражада кучли бўлиб, уни ифодаловчи корреляция коэффицентини 0,989 га тенг бўлди.

Учинчи, гипотезага мувофиқ белгилаб олинган мустақил ўзгарувчилар, яъни, ишлаб чиқариш санотида банд бўлган аҳоли сони (x_1) билан соҳада фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони (x_2) ўртасидаги ички боғлиқлик

$$r_{x1x2} = \frac{78.351 - 50.793 \cdot 1.514}{20.945 \cdot 0.099} = 0.693$$

Таҳлилларга кўра, танлаб олинган мустақил ўзгарувчилар ўртасидаги ички боғлиқлик даражаси Чедок шкаласига мувофиқ, сезиларли, яъни ўрта даражада эканлиги аниқланиб, корреляция коэффицентини 0,693 га тенг бўлди.

Ўтказилган кўп омиллий корреляцион таҳлил натижаларига асосланган ҳолда, мамлакатда аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми билан ишлаб чиқариш саноатида бандлар сони ва соҳада фаолият юритаётган жами корхона ва ташкилотлар

сони ўртасида ўзаро ички боғлиқликнинг мавжудлиги корхоналар бошқарувининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш бора-сида амалга оширилаётган ислохотлар бугунги кунда ўз натижасини бераётганлигидан далолат беради, деган хулосага келиш мумкин бўлади. Шу билан биргаликда, мамлакат ишлаб чиқариш саноатида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сонининг соҳада банд бўлганлар сонига нисбатан ўсиш тенденцияси юқори бўлганлиги бошқарув жараёнлари самарадорлиги ҳисобига эришилаётган меҳнат унумдорлигини англатади. Бу эса саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда змонвий техника-технологиялар билан қуролланган корхона ва ташкилотлар фаолиятини ривожланиб келаётганлигидан далолат беради.

Шу ўринда ўтказилган кўп омиллий регрессион-корреляцион таҳлил натижалари асосида шаклланган хулосаларни эластиклик коэффицентини ҳисоблаш асосида янада мустаҳкамлаймиз. Эластиклик коэффицентини қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$E_i = b_i \cdot \frac{\bar{x}_i}{\bar{y}} \quad (1.4)$$

Юқорида келтириб ўтилган эластиклик коэффицентини аниқлаш формуласи (1.4) асосида натижавий кўрсаткич (у) билан мутақил ўзгарувчилар (x_1) ўртасидаги ўзаро алоқадорликни ҳисоблаб чиқамиз.

Биринчи, ишлаб чиқариш саноатида банд бўлган аҳоли сони (x_1) ортиши ҳисобига мамлакатда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми (у)нинг ўзгариши:

Демак, мамлакат ишлаб чиқариш саноатида банд бўлган аҳоли сони (x_1) қўшимча 1,0 фоиз-

$$7.155 \cdot \frac{1.514}{6.8} = 1.593$$

га ортганда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми қўшимча 1,6 фоизга ўсган. Эластиклик коэффицентини 1,0 фоиздан баланд бўлганлиги ижобий тенденцияга эришилганлигидан далолат беради.

Иккинчи, ишлаб чиқариш саноатида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони (x_2) ортиши ҳисобига мамлакатда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми (у)нинг ўзгариши:

$$0.234 \cdot \frac{50.793}{6.8} = 1.745$$

Демак, ишлаб чиқариш саноатида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони (x_2)

қўшимча 1,0 фоизга ортганда мамлакатда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми (у) қўшимча ўсиши деярли 1,8 фоизга тенг бўлган.

Эластиклик коэффициентларини ҳисоблаш натижаларига асосланган ҳолда айтиш мумкинки, натижавий омил (у) нинг қўшимча ўсиши иккинчи мустақий ўзгарувчи (x_2) ҳисобига нисбатан юқори бўлганлиги ишлаб чиқариш саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини техник-технологик жиҳатдан қуроллантиришга устуворлик қаратилаётганлигини англатади. Бу эса юқорида олинган хулосалар тўғри эканлигидан далолат беради.

Иқтисодий-математик усуллар асосида мамлакатда ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш жараёнлари самарадорлигини баҳолаш мақсадида ўтказилган таҳлиллар асосида қуйидаги умумий хулосаларга келиш мумкин бўлади:

- мамлакатда ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувининг иқтисодий механизмини такомиллаштиришга қаратилган давлат дастурлари бугунги кунда ўз самарадорлигини бериб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришида меҳнат унумдорлигини ортишига хизмат қилмоқда;

- мамлакатда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажмининг қўшимча ўсиши соҳада банд бўлганларга нисбатан корхона ва ташкилотлар сонининг ортиши ҳисобига юқори тенденцияга эга бўлганлиги ишлаб чиқариш саноати корхоналари бошқарувида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини техник-технологик жиҳатдан қуроллантиришга устуворлик қаратилаётганлигини англатади. Шу билан биргаликда, мазкур тенденция ишлаб чиқариш саноатида интенсив омиллар ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришилаётганлигини кўрсатади. Шу билан биргаликда, ишлаб чиқариш саноати корхоналари бошқарувида юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш амалиётига ўтилаётганлиги олинган натижаларда ўз исботини топди;

- умумий ҳолда ўтказилган иқтисодий-математик таҳлил натижалари тузилган гипотеза тўғри эканлигини кўрсатиб, юқорида келтириб ўтилган иқтисодчи олимлар тадқиқоти натижалари билан бир хил йўналишдаги натижани олиш имконини берди. Бу эса мамлакатда ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувининг иқтисодий механизмини такомиллаштиришда корхонанинг ички салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш ҳисобига янада

юқори ривожланиш тенденциясига эришиш мумкинлигидан далолат беради.

Иқтисодий-математик усуллар асосида ўтказилган таҳлил натижалари шакллантирилган шипотезага мувофиқ, мамлакатда ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш мумкинлигини кўрсатди. Бунда Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш шароитида мамлакатда ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш ҳисобига аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши бўйича базавий, пессимистик ва оптимистик сценарияларга асосланган прогноз кўрсаткичлари ҳисоб-китоб қилинди.

Дастлабки прогноз кўрсаткичлар базавий сценарияларга асосланган бўлиб, бунда 2010-2023 йиллар мобайнида мамлакатда ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш амалиётида кузатилган ривожланиш тенденциялари сақланиб қолишига асосланлиди ва у қуйидаги (3.5) формула орқали ҳисобланди:

$$y = 0,0987x^2 - 0,2326x + 1,3632 \quad (1.5)$$

Базавий сценариялар асосида Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш шароитида кичик иқтисодий ва саноат зоналарида кичик саноат ишлаб чиқариши корхоналари фаолиятини ривожлантириш асосида республика ҳудудларини саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш бўйича давлат дастурлари шу йўсинда давом эттирилиши ҳисобига 2027 йилга бориб мамлакатда аҳоли жон бошига ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотлари ҳажми 2023 йилга нисбатан 55,9 фоизга ортиши мумкинлиги аниқланди (1-расмга қаранг).

Шунингдек, Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш шароитида кейинги йилларда мамлакатда ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш борасидаги давлат дастурларини амалга оширилишига устуворлик қаратилмаслиги, жумладан, бу борадаги ислохотлар тохтатилиши каби омилларга асосланиб пессимистик сценарияларга мувофиқ прогноз кўрсаткичлари қуйидаги (1.6) формула орқали ҳисобланди:

$$y = 0,0558x^2 + 0,3605x - 0,0349 \quad (1.6)$$

Пессимистик сценарияларга мувофиқ, кейинги йилларда мамлакатда минтақавий саноат ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришга қаратилган давлат дастурларига устуворлик қаратилмаслиги ва уларнинг тохтатилиши

натijasida 2023 йилга нисбатан баҳоланган-да, 2027 йилга бориб аҳоли жон бошига ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотлари ҳажми 22,6 фоизга ортиши мумкинлиги аниқланди (1-расмга қаранг). Ушбу ҳолат сўнгги йилларда республика ҳудудларида ташкил этилган кичик иқтисодий ва саноат зоналарида ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш борасида амалга оширилган инвестицион лойиҳалар самарадорлиги ҳисобига паст даражадаги ўсиш тенденцияси кузатилиши билан изоҳланади.


Сўнгги оптимистик сценария юқорида билдириб ўтилган фикрлар, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларга асосланган ҳолда ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш борасидаги ислохоталрга устуворлик қаратилишига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, уни ҳисоблаш (1.7) формуласи қуйидаги тартибда шакллантирилди:

$$y = 0,1416x^2 - 0,8257x + 2,7613 \quad (1.7)$$

Оптимистик сценарияларга мувофиқ, 2024–2027 йилларда мамлакатда минтақавий саноат ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришга устуворлик қаратилиши, жумладан, кичик саноат корхоналари фаолиятини кенгайтиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан механизмига ўтилиши, кичик саноат корхоналари ўртасида кичик инновацион кооперацияларни ташкил этиш, маҳаллий ишлаб чиқариш саноати корхоналари фаолиятини халқаро брендлар билан интеграциялаш, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича кенг имкониятларнинг яратилиши ҳисобига прогноз қилинаётган

даврд аҳоли жон бошига ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотлари ҳажми 89,3 фоизга ортиши мумкинлиги аниқланди (1-расмга қаранг).

Иқтисодий-математик усуллар асосида



1-расм. Янги Ўзбекистон шаронтида минтақавий саноат ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш жараёнлари самарадорлигининг прогнозлари [1]

мамлакатда минтақавий саноат ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш жараёнлари самарадорлигини баҳолаш ва унинг ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган муқобил сценарияларини ишлаб чиқиш натижаларига кўра, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида саноат ишлаб чиқаришини ривожлаантириш борасида белгиланган устувор мақсад ва вазифалар, жумладан, “қайта ишлаш саноатида меҳнат унумдорлигини 2,0 баробарга ошириш, ... , саноатда қўшилган қиймат ҳажмини 45 млрд долл.га етказиш” [8] каби вазифаларни ўз вақтида самарали ҳал этиш имконияти мавжуд эканлигини кўрсатди. Бу эса кейинги йилларда мамлакатда ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувининг иқтисодий механизмини такомиллаштиришда корхоналарнинг нисбий устунликларидан келиб чиққан ҳолда ихтисослашув жараёнларини изчил давом эттириш кераклигини англатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон фармони, 11.09.2023 й. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>
2. Vovk I., Vovk Yu., & Lyashuk O. Improvement of the organizational-economic mechanism of resource-saving at the machine building enterprise. *Economics, Management and Sustainability*, 2(2), 2017. – pp. 6–14
3. Eisner K. How to Improve Production Efficiency in 8 Simple Steps. May 24, 2022. <https://www.getmaintainx.com/blog/production-efficiency>
4. Munro O. Production Management: Definition, Tools, & Process. Aug. 15, 2023. <https://www.unleashedsoftware.com/blog/production-management/>
5. Rick van-Echtelt. 10 Ways to Improve Your Production Process. *Skills Management Software for Frontline Workers – AG5. Operations Management*. February 26, 2024. <https://www.ag5.com/10-ways-to-improve-your-production-processes/>
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган.
7. Муаллиф томонидан ҳисобланган.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон фармони, 11.09.2023 й. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

Хурматли журналхонлар!

“**AGROIQTISODIYOT**” илмий-амалий аграр иқтисодий журнали 2017 йил июнь ойидан бошлаб нашр этила бошланди. Унда иқтисодиёт мавзусидаги мақолалар билан қатнашиш мумкин.

Журналда чоп этиладиган мақолалар **ўзбек, рус ва инглиз** тилларида қабул қилинади. Уларнинг ҳар бири **8 бет**дан кам бўлмаслиги, А4 ўлчамдаги оқ қоғозда, **1,5 интервал билан 14 шрифтда Times New Roman шрифтида тайёрланган, ўзбек, рус, инглиз тилларида қисқача аннотация ва калит сўзлар илова қилинган, муаллифнинг фамилияси, исми ва шарифи, иш жойи, лавозими, илмий даражаси ва унвони, манзили, телефон рақами ва электрон почтаси** кўрсатилган ҳолда тақдим этилиши керак.

Мақолани электрон почта ooqxssrtxm@agro.uz орқали ҳам юборишингиз, қўшимча маълумотлар учун эса қуйидаги телефонларга мурожаат этишингиз мумкин: (371) 2605230, 2605261.

Ушбу журналда эълон қилинган мақолалар билан **Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази**нинг веб сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳамда www.ooqxssrtxm.uz орқали танишишингиз мумкин.

Манзил: **100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2 уй.**

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази (ISCAD)

Таҳририят:
Мусахҳих: **Янгибоев Д.**
Дизайнер-саҳифаловчи – **Садуллаев У.**

Таҳририят манзили:
100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани
Университет кўчаси, 2 уй.
Тел.: (+0371) 2605230
Факс: (+0371) 2605230
E-mail: ooqxssrtxm@agro.uz

Бичими 60x84 1\8 (4 б.т.). Адади 150.
Чоп этишга 01.07.2024 йилда рухсат
этилди. 8/19 сонли буюртма.

Уч ойда бир марта чиқади.
Баҳоси келишилган нархда.

“**AGROIQTISODIYOT**” журналидан кўчириб босиш фақат таҳририятнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади.

Таҳририят фикри муаллифларнинг фикр ва қарашларига мос келмаслиги мумкин.

Мақолалардаги факт ва рақамларнинг ҳаққонийлигига муаллиф шахсан масъул.

Реклама мазмунига реклама берувчи жавобгар.